



КАНГЛИ, кангли, канкали — туркий халклар таркибидаги бир гурух кабилаларнинг умумий номи. Канглилар ўзбекларнинг 92 уруги таркибида ҳам учрайди.

Чингизхон истилосига қадар Канглилар Урал тоғидан ғарбда, Эмба ва Урал дарёлари оралигида жойлашган ҳудудда яшаганлар. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асари ва 10-асргача ёзилган Хитой манбаларида, жумладан, мил. 2—9-асрларда мавжуд бўлган туркий кабилалар орасида Кангли атамаси учрамайди. Бу атамани илк бор Юань сулоласи тарихи («Юань ши»)да учратиш мумкин (13-аср). Унда Кангли Хань давридаги (мил. ав. 2-аср — мил. 2-асрлар) гавчэлар деб қайд , этилган. Вэй сулоласи тарихида («Вэй шу») мил. 3—5-асрларда «гавчэ» («баланд арава» маъносида) лар 2 қисмга бўлингани айтилган. Улардан бири ди (қад. ўқилишда диёк, яъни турк), бяохэ (уйгур), холю (хогурсу), хопи (хипни, чибни), хугу (киргиз), биқицзинь (илтекин) каби 6 қабиладан, 2си чифули (чипли), тулу («тур», ичжань (илжон, илхон), далянь (тарлон), кухэ (куга), дабогань (тарбакан, давган), алунь (ойрун), моен (муен, баён), сифэн (иркин), фуфуло (бўркли), чиюнь (киюнь, киен) ва юшупи (юсиб, юшиб) каби 12 қабиладан иборат бўлган. Баъзан гаочэлар шаркий турклар ёки уйгур деб ҳам аталган.

Айрим олимлар кангарлар Канг (Кангкия) давлати ҳудудида яшаган халқ, 10—12-асрларда Марказий Осиёда пайдо бўлган Канглилар ана шу ўтмишдаги кангкиларнинг авлодидир деб ҳисоблайдилар. Аммо Хитой манбаларида Канг давлати аҳолиси Кангли ёки кангар деб аталгани ҳақида маълумот учрамайди. Манбаларга кўра, Уйгур ҳоконлиги емирилгач, гаочэ (уйгур) ларнинг катта бир қисми Мўғулистон ва Шаркий Туркистон ҳудудидан ҳоз. Марказий Осиё давлатлари ва уларнинг ғарбидаги ерларга кўчиб келган.

11-асрда Кангли ларнинг кўпчилиги Кичик Осиё, Болгария ва Венгрия ерларига ўтиб,

махаллий аҳолига, айрим гурухлари Волга бўйларида қолиб бошқирд, татар халқларига қўшилиб кетган. Канглининг бошқа бир қисми эса Талас ва Чу дарёлари водийсига ҳамда Балхаш кўлининг жан. гарбий сохилларига ўрнашганлар. 11 —12-асрларда Канглининг катта гурухи Сирдарё бўйларига қайтиб келган. Хоразмшоҳлар давлати ҳарбий қўшинида Канглилар катта нуфузга эга бўлган. Хоразмшоҳлар давлатининг ички сиёсатида фаол иштирок этишган. Кангли яримўтроқҳолда яшаб дехқончилик ва чорвачилик билан шугулланишган. Улар бир неча уруғларга бўлинган: сариК, қораК, кизилК, бобоК, олтамишК, бўқаК ва бошқалар 19-аср охири — 20-аср бошларида Канглидан 23 минг киши Ўзбекистон ҳудудида (ҳоз. Жиззах ва Зоминда 7,7 минг киши, Жомбой ва Иштихонда 1,2 минг киши, Галлаорудда 2 минг киши, Хатирчида 0,6 минг киши, Фаргона водийсида 6 минг киши, Тошкент воҳасида 3 минг киши, Қорақалпоғистон ва Хоразмда 2,8 минг киши) яшаган. Кангли Ўрта Осиё халқлари таркибига сингиб кетган.

Ад.: Шониёзов К., Канг давлати ва канглилар, Т., 1990.
Абдулахад Хўжаев.